ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТДПУ ТЕРМИЗ ФИЛИАЛИ

ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМ ВА ТАРБИЯ: МУАММОЛАР, ЕЧИМЛАР ВА РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

РЕСПУБЛИКА ИЛМИЙ АНЖУМАНИ

РЕСПУБЛИКАНСКАЯ НАУЧНАЯ КОНФЕРЕНЦИЯ

СОВРЕМЕННОЕ ОБРАЗОВАНИЕ И ВОСПИТАНИЕ: ПРОБЛЕМЫ, РЕШЕНИЯ И ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ

REPUBLICAN SCIENTIFICAL CONFERENCE

MODERN EDUCATION AND UPBRINGING PROBLEMS, SOLUES AND PERSPECTIVE OF DEVELOPMENT

ТЕРМИЗ 2021

OILADA FARZAND TARBIYASI UMUMBASHARIY QADRIYAT

Abdurahmonova D
Nizomiy nomidagi TDPU Termiz filali
“Boshlang‘ich ta’lim metodikasi”
kafedrasi o‘qituvchisi.

Hozirgi jahon miqyosidagi ziddiyatli taraqqiyotda millatning va xalqning ma`naviy kamolotiga ma`rifatiga umumdavlat siyosati darajasida qarash lozim. Odamlar ichidagi milliy iftixor tuyg`usi bilan boshqa millatlarning tarixi, madaniyati va qadr qimmatimi hurmat qllishning dialektik uyg`unligini ta`minlash zarur.

Mashhur jadidlarimizdan Abdurauf Fitrat shunday degan: “Har bir oilaning saodati va izzati shu xalqning ichki intizomi va totuvligiga bog`liq. Tmchlik va totuvlik esa millat oilalarining intizomiga tayanadi, mamlakatning aholisi axloqsiz va johillik bilan oilaviy munosabatlarni zaiflashtirib yuborsa va intizomsizlikka yo`l qo`ysa shunda bu millatning saodati va hayoti shubha ostida qoladi.” [2]

Sir emas Markaziy Osiyo respublikalarida, jumladan O‘zbekistonda ko‘p bolalikdan 3-4 taga keyin 2 taga o‘tish fakti yil sayin ko‘paymoqda. Pedagogik jihatdan yakka bolalik tarbiyani qiyinlashtiradi. Oiladagi yakka farzand kattalarni "jonli o‘yinchoqlari" sevgi va sururlari, erkatoylari bo‘lib voyaga etadi. Bu qanday salbiy oqibatlarga olib kelishini tahlil qilaylik:

Ijtimoiy va ruhiy nuqtai nazardan bolasizlik yoki kam bolalik oila mustah-kamligimi barbod qiladi. Respublikamizdagi ajralishlarning aksariyati yo bolasi yo‘q yoki kam bolali oilalarga to‘g‘ri keladi.

Tibbiyot borasidagi tadqiqotlar va antropogen omillarning ko‘rsatishicha hayot qi-yimchiliklarni bartaraf eta oladigan bolalar deb oiladagi ikkinchi yoki uchinchi bola belgilangan. Yakka bola bilan chegaralanish kelajakda deffektli shaxslarning ko‘payishiga olib keladi. A.S.Makarenko ta’kidlaganidek "Qat’iy

aytish mumkinki yolg‘iz o‘g‘il yoki qiz tarbiyalash bir necha bolani tarbiyalashga qaraganda ancha qiyin ish. Agar moddiy jihatdan bir muncha qiynalganda ham yolg‘iz bola bilan kifoyalanib qolish yaramaydi. "Agar oilada o‘zaro yordam, bir biriga ishonch holati mavjud ekan, bunday oilada samimiy, mehribon, o‘rtoqlariga doim yordam berishga tayyor bo‘lgan inson kamol topadi.”[3]

O‘zida odobli kishiga xos fazilatlarni mujassamlashtirgan kishilarning oilalarida doimo huzur halovat va samimiy hurmat qaror topadi. Kuzatishiar shuni ko‘rsatadiki, yoshlarda kattalar bilan munosabatda bo‘lish hissi kuchli bo‘ladi. Shu jihatdan qaraganda tinch totuv yashaydiganlarning oilalaridagi bolalar ham shu oilada mavju bo‘lgan ahloqiy hislatlar: hushmuomilalik, odoblilik, kattalarga hurmat, kishilarga g‘amxo‘rlik qilish, oila a’zolari o‘rtasidagi o‘zaro hurmat, ayniqsa ayollarga nisbatan ko‘rsatiladigan g‘amxo‘rlik kabi ijobiy hislatlardan namuna oladilar. Darhaqiqat, oila jamiyat hayotini olg‘a etaklovchi, kelajak avlodni tarbiyalab etishtiruvchi, kamol topishi uchun ma’sul bo‘lgan g‘o‘yat muhim boshlanich guruhdir. Oila erkak va ayollarning to‘la teng xuquqligi, oila uchun barobar javobgarligi asosida quriladi. Oiladagi daromadlarning o‘sishi, bir tomondan ota-onalarning bilish saviyalari va madaniy hayotlarining yaxshilanishiga sabab bo‘lsa, ikkinchi tomondan, oila a’zolarining yuqori ma’naviy ehtiyojlarining ijobiy shakllanishiga oilaviy munosabatlarining takomillashuviga, boyishiga, kattalar va kichiklar orasidagi muloqat mazmuniga ijobiy ta‘sir ko‘rsatadi. Hayotimizning ko‘rsatishiga, tarbiyaga oid bilimlarni targ‘ib qilish orqaligina oilaviy tarbiya bilan ijtimoiy tarbiya uyg`unligini ta’minlash mumkin.

Oilada farzand paydo bo‘ladi. Farzandning oilaga qancha shodlik, qancha tashvish keltirishi uni to‘g‘ri va bilib tarbiyalashga bog‘liq. Bola tug‘ilishi bilan bir qator savollar paydo bo‘ladi: Bolani qanday tarbiyalash kerak, tarbiya asosida nima yotadi, bola odob axloqli, xushxulq bo‘lib o‘sishi va yomon odatlarga o‘rganmasligi uchun nimalar qilish kerak? Bolani albatta gapga kiradigan qilib o‘stirish kerakmi, qanday jazo usullarini qo‘llash kerak? Taltayib ketgan bolani qanday qilib qayta tarbiyalasa bo‘ladi? Televizion ko‘rsatuvlarni ko‘rishga qanday qarash kerak, nima uchun bitta oilada har hil bolalar o‘sadi? Chapaqay bolani o‘ng qo‘lga o‘rgatish kerakmi? Bolaga rahm qilib yoki uning harxashasiga yuragi dosh bermay, nima desa

shuni qiladigan ota onalar xatoga yo‘l qo‘yadilar, oqibat natijada shunday bo‘ladiki bola 3 yoshga kirganda hamma narsa men uchun qilinishi kerak deb o‘ylaydi. Talablari bajarilmaganda u yig‘laydi, injiqlik qiladi. Bunday vaqtda ota ona kelishib ish ko‘rishi kerak.

Masalan: Bola birorta o‘yinchoqni sotib olib berishlarini so‘raydi, ota bunga ko‘nmaydi, chunki bola keyingi vaqtlarda o‘zini yomon tutgan, ona esa otaning yonini olishni o‘rniga shu o‘yinchoqni olib beradi. Ota onalarning bunday harakati bolani yolg‘on gapirishga majbur qiladi. Ota onaning ayniqsa, bola oldida janjallashishi, xususan bola tarbiyasi ustida tortishishi juda yomon. Bunda bolaning fikrlari buziladi. Unda kattalarning talablariga umuman quloq solmaslik yoki otaona o‘rtasidagi kelishmovchilikdan osongina foydalanish shakllanadi. Bolani birorta ishni yaxshi qilganda, maqtaganda, birorta ayb qilib qo‘yganda muloyimlik bilan aybini aytganda, buni tushunishga o‘rgatish kerak. Faqat baqiriq-chaqiriq bilan bo‘ysunishga olib bormaslik lozim. Bolani chaqaloqligidanoq gapga kiradigan, mo‘min qilib tarbiyalash kerak.

Bolaning gapga kiradigan bo‘lishi uchun unga oqilona, qo‘lidan keladigan talablarni qo‘ying. Man etishlar asosli bo‘lishi lozim. Aqli etib turgani holda, hamma narsani qilishga ruxsat berish mumkin emas, biroq hamma narsani man etmaslik ham kerak.

Yangi O‘zbekiston yangi renasans taraqqiyot zamonda “Oilada farzand tarbiyasiga zamon ruhida yondashuvni taqozo etadi. Shu sababli oila maskanini mustahkamlash, oila bandligini ta`minlash, oilada farzand tarbiyasiga e`tibor dolzarb muammolardan sanaladi. Bu borada sharqona mintalitetga asoslansak nur ustiga a`lo nur bo`lar edi. Mamlakat taraqqiyotida oila jamiyatning ajralmas tarkibiy qismi. Shu sababli oilada farzand tarbiyasida barchamiz ma`sul va o‘z burchimizni bajarmog‘imiz lozim.”[1]

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. Shavkat Mirziyoyevning Mustaqillikning 27 yilligiga bag`ishlangan bayram tantanasidagi, nutqi.
2. Abdurauf Fitrat . Oila yoki oila boshqarish tartiblari. –Toshkent , A.Qodiriy nomidagi “Xalq me`rosi” nashriyoti, 1993-yil 160-bet.

3. Inomova M. Oilada bolalarni ma'naviy-axloqiy tarbiyalashda milliy qadriyatlar. – T.: Fan, 1995;

UMUMIY O'RTA TA'LIMDA INNOVATSION PEDAGOGIK KLASTER

O'tayev Akram Yo'ldoshevich
TVCHDPI "Umumiy pedagogika"
kafedrasi o'qituvchisi
Tel:+998(90)515 92 02, akramotayev2020@gmail.com
Muradullaeva Moxinur Ulug'bek qizi
TVCHDPI "Maktab menejmenti"
ta'lim yo'nalishi 2 kurs talabasi

Annotatsiya: *maqolada ta'lim jarayonida innovatsion pedagogik klasterning o'rni hamda umumiy o'rta ta'lim bosqichlarida tashkil etish asoslari to'g'risida fikr yutiriladi.*

Tayanch so'zlar: *ta'lim, tarbiya, innovatsiya, pedagogika, klaster, bilim, o'quv reja,fan dasturi, ko'nikma, malaka, kompetentsiya .*

O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining "Toshkent viloyati Chirchiq davlat pedagogika instituti faoliyatini yanada takomillashtirish chora – tadbirlari to'g'risida"gi Qarorida "O'zbekiston Respublikasi Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi, Xalq ta'limi vazirligi va Maktabgacha ta'lim vazirligi bilan kelishgan holda Toshkent viloyati Chirchiq davlat pedagogika institutining pedagogik ta'lim innovatsion klasteri faoliyatini yo'lga qo'yish belgilandi" va klaster doirasida malaka talablari, o'quv reja, fan dasturlarini mustaqil ishlab chiqarish, tasdiqlash va joriy etish huquqi berildi [1]. Shuningdek, institut rektori, fan arbobi professor G'.I.Muxamedov "Ta'lim tizimi, ilm-fan har qanday jamiyat, millat va davlatning kelajagini belgilab beradigan, uning taraqqiyotiga xizmat qiladigan muhim omili" ekanligini alohida ta'kidlaydi [2].

Shu jihatdan umumiy o'rta ta'lim tizimida ham innovatsion pedagogik ta'lim klasterini joriy etish dolzarb bo'lib turibdi.

Pedagogik ta'lim innovatsion klasteri – bu ta'lim va tarbiya jarayonida fanlar bog'liqligini ta'minlash va o'qitishda ta'lim ishtirokchilarining uzviy hamkorligini yo'lga qo'yishdir [2].

Umumiy o'rta ta'lim tizimida pedagogik ta'lim innovatsion klaster tizimini joriy etish uchun yangi tahrirdagi "Ta'lim to'g'risida"gi Qonunga asoslanish lozim. Mazkur Qonunda umumiy o'rta ta'lim quyidagi bosqichlarga bo'lingan:

1) boshlang'ich ta'lim (1-4- sinflar);

2) tayanch o'rta ta'lim (5-9- sinflar);

3) to'liq o'rta ta'lim (10-11- sinflar)[3].

Pedagogik ta'lim klasteri yo'nalishda tadqiqot olib borayotgan pedagog olim U.Xo'jamqulov "Pedagogik ta'lim klasteri sohaning o'ziga xos spetsifikasidan kelib chiqib, quyidagi yo'nalishiarda tashkil qilinishi maqsadga muvofiqligini ta'kidlaydi: 1) ta'lim yo'nalishi; 2) ta'lim vositalari yo'nalishi; 3) ta'lim va fan yo'nalishi; 4) ta'lim va ishlab chiqarish yunalishi; 5) ta'limni boshqarish yo'nalishi [4].

Pedagogik ta'lim innovatsion klasterini tashkil etishda mazkur bosqichlardagi o'quvchilarning yosh, jismoniy, aqliy va ruhiy imkoniyatlari hamda ularga beriladigan bilim darajasi hisobga olinadi. Shu jihatdan umumiy o'rta ta'limda pedagogik ta'lim innovatsion klasterini joriy etishning umumiy asoslari quyidagilardan iborat:

I. Boshlang'ich ta'lim bosqichida:

- o'quv fanlarini aniq, tabiiy va ijtimoiy fanlar guruhlari bo'yicha majmualashtirish;
- o'quv fanlari mavzularini maqbullashtirsh va takrorlikni bartaraf etish;
- o'quv fanlarining o'zaro bog'liqligini ta'minlash;
- o'qitish jarayoniga mutaxassislar guruhini jalb qilish.

II. Tayanch o'rta ta'lim bosqichida:

- aniq fanlar mavzulari va o'quv materiallarini yagonalashtirish;
- tabiiy fanlarni o'qitishni modulli asosda tashkil etish;
- ijtimoiy fanlar bo'yicha ta'lim berishni bosqichli tarzda yo'lga qo'yish;
- o'quv jarayonini tajribali pedagoglar va mutaxassislar ishtirokida o'rkazish.

III. To'liq o'rta ta'lim bosqichida:

- aniq fanlar mavzulari va o'quv fanlarini o'zaro bog'liqda o'qitish;

- maktab imkoniyatlaridan kelib chiqib muayyan o'quv fanlarini keng ko'lamli o'qitish;
- o'quvchilarning aniq, tabiiy va ijtimoiy o'quv fanlari bo'yicha kompetentsiyani shakllantirish;
- ta'lim jarayonini etuk va tajribali o'qituvchilar bilan ta'minlash.

IV. Boshqaruv asoslari:

- maktab Pedagogik kengashi tomonidan umumiy o'rta ta'lim innovatsion pedagogik klasterini monitoring qilib borish;
- klaster jarayoniga etuk mutaxassislar, institutlar, ilmiy markazlar va laboratoriyalarni hamkorlik asosida jalb qilish;
- klaster ishtirokchilarini maktab Jamg'armasi, grantlar va beg'araz homiylik mablag'lari hisobidan moliyaviy-moddiy rag'batlantirish;
- klaster natijalari bo'yicha Hisobotlarni yuritish va shu asosida olib boriladigan ishlarni rejalashtirib borish.

Umumiy o'rta ta'limning innovatsion pedagogik klasteri ta'lim, tarbiya va amaliy yo'naltirish jihatidan samarador hisoblanadi. Bu borada quyidagi natljalarga erishiladi:

1) o'quv fanlari majmualashtiriladi va ularda mavzular takrorlanmasligiga erishiladi;

2) o'quv fanlarini o'qitishning yaxlit, yagona va uzviy tizimi tarkib topadi;

3) o'quv jarayoniga keng ko'lamli mutaxassislar va tashkilotlar ishtiroki kengayadi.

4) o'quvchilarning o'quv fanlari bo'yicha bilimi, ko'nikmasi, malakasi va kompetentsiyalari kutilgan darajada shakllantirladi.

Bu natijalarga darhol erishib bo'lmaydi. Uning natijalari ikki o'quv yilidan ma'lum bo'ladi.

Umumiy o'rta ta'limning pedagogik ta'lim innovatsion klasteri yangi tizim. Shu sababli quyidagilarga e'tibor qaratish lozim:

birinchidan, umumiy o'rta ta'lim maktablari o'quvchilarini pedagogik ta'lim innovatsion klasteri bo'yicha ma'lumot bilan qurollantirish;

ikkinchidan, “Umumiy o’rta ta’limning innovatsion pedagogik klasteri Dasturi”ni ishlab chiqish va maktab Pedagogik kengashida tasdiqlatish;

uchinchidan, klasterni maktab Jamg’armasi, maqsadli gratlar va beg’eraz homiylik mabiag’lari asosida tashkil etish;

to’rtinchidan, klaster jarayonini choraklik va yillik hisobotlarini yuritish.

Umumiy o’rta ta’limning innovatsion pedagogik klasterini tizimli tashkil eitsh orqali umumiy o’rta ta’lim maktablari faoliyatini yaxshilash hamda ta’lim va tarbiya samaradorligini oshirishga erishiladi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1.O’zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasinimg “Toshkent viloyati Chirchiq davlat pedagogika instituti faoliyatini yanada takomillashtirish chora – tadbirlari to’g’risida”gi 2020 yil 14 aprel 213-sonli Qarori

2.O’zbekiston Respublikasi “Ta’lim to’g’risida”gi Qonuni //www.ZiYoNet.2020 yil 24 sentyabr

3.Muxamedov G’. Pedagogik ta’lim innovatsion klasteri: ehtiyoj, zarurat, natija . “Xalq so’zi” gazetasi 2019 yil 15 fevral

4. Xodjamqulov U.Pedagogik ta’lim innovatsion klasteri (o’zbekiston ta’lim tizimi misolida). Academic research in educational sciences, 1(4).

PEDAGOGIKA VA PSIXOLOGIYA FANLARINI O‘QITISH MUAMMOLARI , YECHIMLARI VA RIVOJLANISH ISTIQBOLLARI

Termiz Davlat Universitetining Pedagogika Instituti Boshlang‘ich ta’lim va sport tarbiyaviy ish yo‘nalishi 3-bosqich talabalari Aliqulova Karomat Xolmo‘min qizi ,Toshpo‘latova Nigora Muhammadi qizi, Safarova Muxarram Shuhratovna.

Annotasiya

Har bir faoliyat jarayonida ta’lim va tarbiya muhim rol o‘ynaydi. .Bunda esa pedagogika va psixologiya fanlari muhim o‘rin tutadi va bu fanlar bir- birini

to‘ldirib, fanlar orasida bu ikkalasi alohida ajralib turadi.Bu maqolada pedagogika va psixologiya fanlarini qay tarzda o‘qitish metodikasi, usullari haqida so‘z boradi.

Kalit so‘zlar: Pedagogika o‘qitish metodikasi, Psixologiya ,ta’lim , tarbiya, muammolari , usullari, texnologiyalari.

O‘zbek milliy pedagogikasining tamal toshini qo'ygan, xalqimizning asl farzandi Abdulla Avloniy doimo ta’limni tarbiya bilan uzviy olib borgan . Bu bejiz emas, albatta. Chunki ilmli insonda odob-axloq, vatanparvarlik, atrofdagilariga hurmat tuyg`ulari bo`lmasa, bunday jamiyat bora-bora tanazzulga uchraydi. Shuning uchun buyuk bobokalonlarimiz farzandga ham diniy, ham dunyoviy ilm berish borasida tarbiyaga katta e’tibor berganlar.Yurtimizda ta’lim sohasida ko`pgina o`zgarishlar bo‘lmoqda. O‘zbek xalqi juda qadim zamonlardayoq ilm-fanga katta e’tibor bilan qaragan va uni rivojlantirishga harakat qilgan. Ibn Sino, Beruniy, Al-Xorazmiy, Amir Temur, Ulug‘bek va boshqa ko‘plab allomalar ilm-fanni dunyoga tanitganlar. Ilm-ma’rifatga beqiyos hurmat bilan qaragan xalqimiz qanday qiyinchilik va to‘siqlar bo‘lmasin o‘z farzandlarini savodli bo‘lishini orzu qilganlar. Farzandlarini yoshiigidanoq maktabga – o‘qishga berganlar. Maktabdor ustozlar o‘z usullari va tajribalariga asoslanib, bolalarga saboq berganlar. Demak, o‘zbekistonda o‘qitishning o‘ziga xos usullari mavjud bo‘lib, ular rivojlanib borgan.Har bir faoliyat jarayonida ta’lim va tarbiya muhim rol o‘ynaydi.Tarbiya va ta’lim berishni aslida bolani yoshligidan boshlash kerak.Ulg‘ayib urgurganda kech bo‘lishi mumkin. Axir, aytishadiku, „Olim bo‘lish oson ,odam bo‘lish qiyin ’’deb .Bu bekorga aytilmagan desak, adashmagan bo‘lamiz. Yusuf Xos Hojib „Qutadg‘u bilig " asarida aqliy, axloqiy, mehnat jismoniy va nafosat tarbiyasiga doir fikrlari katta ahamiyatga egadir.U insonni ulug‘laydi,uning fikricha„ Insonning ulug‘ligi,aql idroki,so‘zlash qobiliyati ,bilimi,uquvi hunarga egaligidadir.Adib o‘quv va bilimni farqlaydi :o‘quv tug‘ma ravishda inson ruhiyatida mavjuddir, bilim esa o‘qish , o‘rganish va mehnat tufayli egallanadi.Agar ularning har ikkisi o‘zaro birlasha insonning qadri ortadi " degan edilar.Pedagogik - psixologik fanlarni o’qitish metodikasini shakllanish jarayoni pedagogik - psixologik fanini o’quv predmeti sifatidagi rivoji bilan bog’liqdir.Pedagogik – psixologik fanlarni o‘qitishning dastlabki bosqichlaridan

boshlab tajribalar to'planadi ular umumlashtirilib, tizimlashtirilib boriladi. Ular asosida aloxida qoidalar va tamoyiliar shakllantiriladi, o'qitishning ayrim masalalari bo'yicha metodik tavsiyalar yaratiladi.Bizga ma'lumki, pedagogik hodisa murakkab tuzilmaga ega bo'lib, uning umumiy mohiyatini to'laqonli anglash uchun bir qator fanlarning imkoniyatlariga tayaniladi. Ana shu nuqati nazardan pedagogik - psixologik fanlari bilan quyidagi fanlar o'rtasida yaqin aloqadorlik mavjud:

1. Falsafa – shaxs rivojlanishi jarayonining dialektik xususiyatlari, muayyan pedagogik g'oya, harash hamda ta'limotlarning falsafiy jihatlari kabi masalalarni tahlil etishga imkon beradi

2.Iqtisod – ta'lim muassasalarining faoliyatini yo'lga qo'yish, o'quv binolarini qurish, ta'lim-tarbiya jarayonlarini tashkil etish va ularning moddiy-texnika va zamonaviy texnologiyalar bilan jiliozlash kabi masalalarning iqtisodiy jiliatlarini anglashga xizmat qiladi.

3. Sotsiologiya – ijtimoiy munosabatlar mazmuni, ularni tashkil etish shartlari xususida ma'lumotlarga ega bo'lish asosida ta'lim-tarbiya jarayoni ishtirokchilarining o'zaro munosabatiarini samarali tashkil etish uchun imkoniyat yaratadi.

4. Etika- shaxs ma'naviyatini shakllantirish, unda eng oliy insoniy sifatlar, axloqiy ong va ma'naviy-axloqiy madaniyatni tarbiyalashda muhim o'rin tutuvchi nazariy g'oyalarni pedagogik jarayonga tatbiq etishda alohida o'rin tutadi.5. Estetika – shaxs tomonidan go'zallikning his etilishi, unga imtilishi, shuningdek, unda estetik didni tarbiyalashda muhim yo'nalishiarni aniqlashga xizmat qiladi.

6. Fiziologiya- o'quv-tarbiya jarayonida bolalarning fiziologik, anatomik xususiyatlarini inobatga olinishi uchun boshlang'ich asoslarni beradi.

7. Gigiyena – o'quvchilarning salomatligini muhofazalash, ularning jinsiy jihatdan to'g'ri shakllantirishda nazariy va amaliy g'oyalari bilan yordam beradi.8. Psixologiya – shaxsda ma'naviy-axloqiy, ruhiy-intellektual, hissiy-irodaviy sifatlarni tarkib toptirish uchun zamin yaratadi.9. Tarix – pedagogik - psixologik fani taraqqiyoti, ta'lim-tarbiya jarayonlarining dinamik, dialektik xususiyatlarini

inobatga olish, shunimgdek, xalq pedagogik - psixologiksi g'oyalarini kelgusi avlodga uzatish uchun yo'naltiriladi.

10. Madaniyatshunoslik – o'quvchilarda insoniyat tomonidan yaratilgan moddiy va ma'naviy madaniyat asoslari haqidagi tasavvurni shakllantirish, ularda madaniy xulq-atvor xislatlarini tarkib toptirish uchun xizmat qiladi.

11. Tibbiy fanlar – shaxsning fiziologik-anatomik jihatidan to'g'ri rivojlanishini ta'minlash, uning organizmida namoyon bo'layotgan ayrim nuqsonlarni bartaraf etishga amaliy yondashuv, shuningdek, nuqsonli bolalarni o'qitish hamda tarbiyalash muammolarini o'rganishda ko'maklashadi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. I.Y.Tursunov U . Nishonaliyev Pedagogika kirdi T.1997.

2.Karimova V.A.Akramova F.Pedagogika va psixologiya o'quv qo'llanma.Toshkent. 2004

3.Yusuf Xos Hojib „ Qutadg'u bilig" Toshkent . 2017

ЁШЛАРДА МИЛЛИЙ ТАРБИЯНИ ШАКИЛЛАНИШИДА ЭТНОПЕДАГОГИКАНИНГ ЎРНИ.

Азимова Дилфуза Усмоновна
Низомий номидаги ТДПУ
Термиз филиали ўқитувчиси
Телефон: +998(90)644-83-85

Аннотатция: мақолада ёшларга миллий ва умуминсоний қадриятларни шакиллантрилиб борилиши, ўзбек халқ педагогикасида ёшларга таълим-тарбия беришда мақол, достон ва ривоятлардан фойдаланиб келинганлиги, этнопедагогика миллий тарбиянинг қудратли омли эканлиги ҳусусида сўз юритилган.

Калит сўзлар: Миллий тарбия, этнопедагогика, тарихий тажриба, маросим, урф-одат, баркамол шахс.

Мавзунинг долзарблиги: Юксак маънавиятли, замонавий билим ва касб-ҳунарларга, ўз мустақил фикрига эга бўлган ёшларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш биз учун энг муҳим вазифалардан биридир[1].

Жамиятимизда аҳоли, айниқса, ёш йигит-қизларимизнинг маънавий ва маърифий савиясини доимий юксалтириш-биринчи даражали аҳамиятга эгадир[2].

Ўзбек халқи қадимдан ўз фарзандларини меҳнатсевар, билимли, хушхулқ, бақувват, ўз ватанини химоя қила оладиган ботир бўлиб вояга етишишини орзу қилганлар. Уларда бу хусусиятларни ривожлантириб боришда эртак, афсона, мақол, ривоят ва достонлардан фойдаланганлар. Бугунги кунда ўқувчи-ёшларга замонавий билимларни бериб бориш билан бир қаторда миллмй ва умуминсоний қадриятларимизни ҳам сингдириб борилиши мақсадга мувофиқдир.

Вазирлар Маҳкамасининг 2019-йил 31-декабрдаги 1059-сон қарори Узлуксиз маънавий тарбия концепциясида ҳам-бола тарбиясида миллий тарбия усуллари ва замонавий педагогларнинг илгор ютуқларидан самарали фойдаланиш орқали миллий ва умуминсоний қадриятларни ўргатиб бориш лозим эканлиги, **“Бола азиз, одоби ундан азиз”** мавзусида эртак, матал, афсона, достон, мақоллар асосида мультимедиа маҳсулотларини тайёрлаш белгилаб қўйилган.

Мавзунинг мақсади ёшларга миллий қадриятлар, урф-одатлар ва анъаналарни асосий моҳиятини ўргатиб бориш орқали юксак инсоний фазилатларга эга баркамол инсон шахсини шакиллантришдан иборат.

Ўзбек халқининг этнопедагогикаси умуминсоний ва миллий тарбиянинг қудратли омилидир. Туркий қавмлар ўз болаларини уй-рўзгор

[1] Миллий тикланишдан миллий юксалиш сари.Тошкент-2019. 76-бет.

[2] Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожатномаси .2020 й.

меҳнатига ўргатишга алоҳида эътибор берганлар. Ўзбек халқ педагогикасида болаларга “Ким яхши меҳнат қилса, бежирим буюм тайёрласа, у маҳоратли уста” деган гоя сингдирилган[3].

Этнопедагогика- маълум бир миллатнинг тарихий тажрибасини қўллайдиган педагогика фанининг бир бўлими. Кўпгина этник гуруҳлар ўзига хос хусусиятга эга. Барча гуруҳлардаги урф-одатлар, анъаналар ва қадриятлар бир хил эмас. Лекин уларниниг асосий мақсадлари бир ҳил яъни ўқувчи-ёшларга тарихий тажрибадаги маданий анъаналарни, қўшиқлар ва хикояларнинг асосий мазмун мохиятини англатиб боришдан иборатдир. Бу эса ёшларни умуминсоний қадриятлар тамоиллари асосида тарбияланиб боришларига имкон беради.

Этнопедагогиканинг асосий тамоиллари халқимизнинг ҳаёти давомида ишлаб чиқиладиган ва авлодларга етказиб бориладиган тизим хисобланиб, ёш авлодга ўз қадриятларини, фуқоролик онгини, жамиятдаги ўрни ва мавқеини англаб етишни ўргатиб боради.

Ўзбек халқ этнопедагогикаси асарларида устоз ва мураббийлар доимо улугланиб, энг ҳурматли зот сифатида эътироф этилган.

“Устозсиз шогирд-жонсиз кесак”;

“Ҳаёт устоз, халқ- муаллим”;

“Устоз кўрмаган шогирд- ҳар мақомга йўргалар”;

“Ҳар кимки ҳаётдан олмаса таълим, унга ўргатолмас ҳеч бир муаллим”.

Бу каби мақолларни, халқ огзаки ижодиётини ёшларнинг онгига сингдириб борилиши уларнинг дунёқарашини шакилланишига, миллат ва халқ манфати учун курашувчи кадрлар бўлиб вояга етишларига туртки бўлади.

Хулоса: ўрнида шуни таъкидлаш лозимки ёшларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида камол топиб боришларида, уларни жамият корига ярайдиган инсонлар бўлиб вояга етишларида миллий урф одат ва анъаналарнинг асосий мазмун моҳиятини тушуниб ўз ҳаётий тажрибаларида қўллай олишларида этнопедагогика фанининг ўрни муҳим аҳамият касб этади.

Эртак, достон, ривоят, топишмоқ ва мақоллар эса қадим замонлардан ва бугунги кунда ҳам ёшлар тарбиясига ижобий таъсирига эга бўлиб келмоқда. Шундай экан этнопедагогика миллий қадрият ва анъаналаримизнинг ёшлар онгида сингдиришнинг асоси бўлиб хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев Миллий тикланишдан миллий юксалиш сари.Тошкент-2019.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожатномаси .2020 й.

3. Малла Очилов. Муаллим қалб меъмори. Тошкент 2001-йил. 15-бет.

4. Узлуксиз маънавий тарбия концепцисияси Ўз.Рес.Вазирлар Маҳкамасининг 1059-Қарори.31 декабр 2019 й.

5. Б.Х. Ходжаев. Умумий педагогика. Тошкент-2017 йил.

КАСБИЙ КОМПИТЕНТЛИКНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ПСИХОЛОГИЯНИНГ ЎРНИ

ТДПУ Термиз филиали ўқитувчиси К.К.Артиқова

Касбий фаолиятни психологик - педагогик тадқиқот предмети сифатида тадқиқ этишда турли хил ёндашувлар, илмий хулосалар ва махсус методология мавжуд бўлиб, улар касб танлаш, касбий таълим, касбий маърифат, касбий маслаҳат, касбга йўналтириш, касбий ривожланиш ҳақида қарашларни ўзида мужассамлаштирган[1,98]. Бу доирадаги илмий тадқиқотларнинг кўпчилигида касбий ривожланиш узоқ муддатли ва бир неча босқичли жараён эканлиги қайд қилинади. Шунингдек, мазкур тадқиқотларда ҳар бир босқич меҳнат фаолиятини самарали бошқаришга хизмат қилувчи психик янгиланишга эга, деган мулоҳаза мужассамлашган.

Касбий компитентлик ва камолотни белгиловчи асосий психологик омиллар сифатида шахснинг индивидуал-психологик хусусиятларига алоҳида ургу берилади. Тадқиқотчи Л.А.Ясюкова: “Касбий қобилиятларнинг тўлақонли сафарбар қилиниши шахснинг бошқа хусусиятлари билан интеграллашганда ўз натижасини беради”, деб ҳисоблайди .

Шундай қилиб, касбий режа, истиқбол ва касбий қадриятлар мутахассис сифатида ишлашнинг муҳим шарти эканлиги аниқланган. Бу нуқтаи назарга қўшимча аниқлик киритишни ва унинг миллий психологик томонларини ўз тадқиқотимизда кўриб чиқамиз. Тадқиқотларда аниқланишича, яхши

мутахассис учун қуйидаги сифатлар бўлиши, яъни ўзини камол топтиришга интилиш (муаммони қўя олиш, ишга қизиқиш билан ёндошиш, ички тайёргарлик), амалий тажрибага эга бўлиш, индивидуал-психологик хусусиятларининг мазкур касб талабларига мослиги муҳим ҳисобланади [2,36].

Ижтимоий талабларнинг ўсиши касбнинг ва мутахассисларнинг жамият ҳаётидаги ўрнини белгилайди. Шу сабабли ҳам бугунги кунда "аҳамиятга эга" ва "ўз аҳамиятини йўқотган касб" атамасини ишлатишга тўғри келмоқда. Ёшларнинг касб танлашида ҳам худди шу тарздаги нуқтаи назар ва дунёқараш етакчилик қилиб қолмоқда. Бизнинг тадқиқотимиз ҳам ушбу талабларни инобатга олган ҳолда касб танлашдаги номутаносибликларнинг сабабларини аниқлаш ва унинг олдини олиш учун тавсиялар ишлаб чиқишга хизмат қилади, деб ўйлаймиз.

Ўтган асрнинг 80 - йиларида Россия минтақасида "хусусий қўриқчилар" деб аталган касб эгаларининг пайдо бўлиши натижасида янги касб дунёга келди ва мазкур касб юзасидан маълум талаблар ишлаб чиқилди[3,98]. В.А.Толочёк, В.Е.Зажевиский, О.В.Ожиценконинг изланишларида жамият ривожининг ўтиш даврида оммавий ишсизликнинг ортиши, ижтимоий–демографик ва психологик жиҳатдан номзодларнинг хилма-хил бўлиши, юқори даражадаги ишчи кучига талабнинг мавжудлиги (тажриба ва касбий тайёргарлик ҳужжатига эгалик) мутахассис касбий фаолиятига юқори талаблар қўйиши таъкидланади.

Ф.С. Исмагилова мутахассис сифатида шакланишда касбий компитентлигининг аҳамиятини эътироф этган ҳолда, бир қатор ижобий мулоҳазаларни илгари суради. Унинг фикрича, "мутахассиснинг касбий тажрибаси ҳозирги кундаги янги технологик ўзгаришларга хоҳиш сезиб, эскилари билан ўрнини алмаштириши билан характерланади. Бу муттасил юз берадиган ва амалиётни тақозо этувчи муаммолардандир. Касбий тажриба мутахассисни маълум бир касб учун саралашда фойдаланиладиган мезон ҳисобланади. Бироқ, муҳими шахснинг ўзи. Чунки ўз иш ўрнини йўқотиши ёки унинг кафолатловчиси ҳам шахснинг ўзидир".

Бугунги кун технологиясидаги жадал ўзгаришлар касбий меҳнат мазмунини тубдан ўзгартириб юборади ва касбий онгининг ўтмиши, бугуни ҳамда келажаги ўртасидаги муносабатлар илдизига янгича назар солишга даъват этади.

Эътибор берадиган бўлсак, бугунги шароитда касбий билим мутахассиснинг касбий фаолияти якунлангунига қадар тез эскириб бормоқда. Шу боис ҳам шахснинг ўзларига муносиб касб танлашларида бундай ҳолатларнинг таъсири бор. Бу эса шахснинг касбни тўғри танлаганликлари, уларнинг мотив, қизиқиш, шахс йўналганлиги, касбий тайёргарлиги ва касбий установкаларидаги ўзгаришларни технологик ўзгаришларга ҳамоҳанг равишда ўрганиб боришга заруратни юзага келтиради.

Касбни эгаллаётган бўлгуси мутахассис касбий фаолият учун қандай зарурий жиҳатлар керак эканлигини тўлиқ тасаввур қилмаслиги табиий. Бу эса бўлгуси мутахассисларда касбий тасаввурлар шаклланиши хусусиятларини ўрганиш заруриятини вужудга келтиради.

К.К.Платонов тажрибани билим, кўникма, малакалар ва одатларнинг йигиндиси сифатида таърифлайди. Бошқа тадқиқотчилар тажрибани вақтли хусусиятли ва фазовий тузилмадан иборат операционал тизим сифатида тушунтирадилар (Б.Г. Ананъев, В.Ю.Артемьева, А.А.Смирнов, Г.Л. Ильин, Е.Л. Ильин, Е.А. Климов, В.А.Толочёк ва бошқалар). Улардан фарқли ўлароқ, А.А. Кроник тажриба воқеалар ёки инсоннинг "техник" ҳаётий тўпланмасидан иборат, деб таърифлайди. Шуни унутмаслик лозимки, юқоридаги ёндашувларда тажрибали, ўз касбининг эгаси бўлган мутахассис керакли билим ва кўникмани эгалламаган ходимдан ажралиб туриши таъкидланади[3,112].

Шахснинг тажрибага эга бўлиши касбий фаолиятида маълум тизим ҳосил қилади, унинг субъектив хусусиятлари табиатининг тақдимоти ва ваколатини белгилайди ва бошқалар).

Хорижий манбаларда ҳам инсоннинг касбдаги фаолияти ва хулқ-атвори мезони ўзига хос ҳолда белгиланиб, "касб тўқимаси" ёки "ментал харита" деб аталган. "Ментал харита" - касбий фаолият майдонининг мутахассис жойлашиши мумкин бўлган ички олами ҳисобланади. Касбий фаолият майдони таркибидан касбий соҳадаги анчагина барқарор таълим, касбнинг тавсияномаси, унинг қўлланиш соҳаси, аниқ ишчи ўрнига нисбатан яшовчанлиги ўрин олган.

К.Фарреннинг қарашларига таяниб айтиш мумкинки, талабаларда касбий компитентликнинг шаклланиши давридаёқ яшовчанлик кўрсаткичларидан бохабар бўлишлари муҳимдир. Унинг фикрича, яшовчанлик икки хил кўринишга эга бўлади: шахснинг касбий яшовчанлиги ва касбнинг компитентлигига қуйидаги кўрсаткичларни киритади:

1. Шахс хусусиятларига муносиб касб танлаш;
2. Бажараётган ишга қўйилган талабларга юқори даражада тайёрлик;
3. Ҳаёти давомида таьлим олиш ва ўрганишга тайёрлик;
4. Маданиятлилиги, ўзга кишилар қадр-қимматини, фарқларини қабул қила билиш;
5. Компьютер ва ахборот технологияларидан фойдаланишни билиш;
6. Бир неча соҳаларда касбий маҳоратни намойиш қила олиши;
7. Янги лойиҳалар тақдим қилиш ташаббусига эга бўлиш;
8. Ишда ҳамкасблар билан ҳамкорликда ишлаш кўникмасига эгалиги ва ҳоказо.

К.Фаррен касбнинг яшовчанлик кўрсаткичларига қуйидагиларни киритади:

1. Касбнинг ташкилот мақсадлари билан чамбарчас боглиқлиги;
2. Бошқа муассаса ва ишлаб чиқариш соҳалари билан уйгунлашиш имконияти;
3. Бошқа касбларда ўз компетентлилиги ва қобилиятларидан фойдаланиш имконияти.;
4. Шахсий ва молиявий таьминланганлик;
5. Касб бўйича шахслар уюшмасининг мавжудлиги;
6. Маҳоратга етакловчи билимга эгалик;
7. Ёшидан қатьи назар касбий муваффақиятларда мустақил бўлиш.

Шунингдек, юқоридаги иккита яшовчанлик кўрсаткичлари билан бир қаторда қуйидаги кўрсаткичларни ҳам келтириб ўтиш жоиз: танланган ишлаб чиқариш соҳасининг “яшовчанлиги”, “ташкилотнинг яшовчанлиги”, “ишчи ўрнининг яшовчанлиги” . Бундан ташқари, касбий ривожланиш назариялари борасидаги таҳлилларимиз хорижий психологияда методологик асос сифатида хизмат қилувчи концепцияларни эътироф этишимизга олиб келди.

Шунингдек, улар касбий таълим учун энг муҳими индивидуал сифатларни тарбиялашдир, деган гояни илгари суришди. Ушбу гояларга таянган ҳолда қайси касб шахс учун муваффақият ва қониқиш олиб келишини ҳисобга олиб, диагностика учун Кэттеллнинг характерологик саволномаси, Стронг ва Кьюдернинг қизиқишлар сўровномаси, Р.Амтхауэрнинг тафаккур структураси тестидан фойдаланилди. Масалан, қизиқишларни ўрганиш саволномаси иккита глобал йўналишдаги қизиқишларни аниқлашга, яъни предметга қизиқиш ва инсонларга қизиқишга, амалий ишга қизиқиш ва назарий ишга қизиқишга асосий эътиборни қаратади[3,98].

Психоаналитик йўналиш вакиллари касбий ривожланишнинг психодинамик жиҳатларини таҳлил қилиш билан шугулландилар. Улар касб танлаш ва касбий ривожланиш асосида табиий эҳтиёжлардан тортиб комплекс психодинамик механизмлар ва шахс тузилиш инстанцияларигача бўлган турли хил эҳтиёжлар ётади, деган гоя билан чиқдилар (У.Мозер, Л.Зонди, Е.Бордин, Э.Роу) [4,56].

Шунингдек, Д.Сьюпер касбий тақдирни (касбий фаолият йўлини) танланган касбий позицияларнинг кетма-кетлиги белгилайди, деган фикрни илгари суради. Бу йўналиш вакиллари касбий вазиятларни икки босқичдан иборат деб тушунтирадилар. Биринчи босқичнинг ўзи ҳам икки фаза: а) антиципация, яъни индивиднинг касб танлашга дуч келиши ва альтернатив вариант танлаш даври; б) ўзи ҳақида ва касбий ривожланиш истиқболи ҳақидаги тасаввурларни шакллантирувчи, аниқлаштирувчи фазалардан ташкил топган .

Шахснинг касбий жиҳатдан ўсишини таъминлашда, касбий мотивацияни тўгри шакллантириш, шахс установкаларини ўзгартириш чора-тадбирлари учун оптимал йўл-йўриқларни излаш лозим бўлади.

АДАБИЁТЛАР

1. Кудрявцев Т.В. Исследование психологических особенностей профессионального становления. - М., 1998
2. Толочёк В.А., Заневский В.Е., Ониенко О.В. Профессия «Частный охранник» тенденции становления. Вест.Московс . универ. 2001.
3. Сафоев Н.С. Особенности установок и представлений как осознания себя студентам // Педагогик таълим.-Тошкент, 2003
4. Толочёк В.А. Операционально-смысловые структуры профессионального опыта.// Вестн. Московс. ун-та Сер.14, Психология. 2000
5. Исмагилова Ф.С. Профессиональный опыт специалиста в организации и на рынке труда. -Екатеринбург. 1999

БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМДА НОАНЪАНАВИЙ ТАЪЛИМ МОДЕЛЛАРИ

Абдиназарова Зебо – Термиз давлат университети 1-босқич магистранти

Маълумки, таълим муассасаларида таълим-тарбия жараёнини жадал ривожлантириш эҳтиёжи билан уни амалга ошириш, янгиликларни жорий этишнинг оммалашуви натижасида янги билимларга эҳтиёж кучайди ҳамда бугунги кунда педагогикада ноанъанавий таълим методларидан кенг фойдаланилмоқда. Улар ҳамкорликда ўрганиш модели, моделлаштириш модели, тадқиқот модели, лойиҳалаш ва ақлий хужум методлари ва бошқалар.

Ҳамкорликда ўрганиш модели- ўқувчиларнинг билимни ўзлаштириш, сингдириш, мустаҳкамлаш бўйича репродуктив фаолиятини таъминловчи, маҳорат ва малакани кетма-кетлик бўйича ўқувчининг бевосита бошчилигида ишга солишни ташкил этишга асосланган ўқитиш ва билим олиш моделидир. Буларга китоб билан ишлаш, ўқув суҳбати, давра суҳбати, ақлий ҳужум, кичик гуруҳларда ишлаш, баҳс-мунозара каби методларни киритиш мумкин**.**

Моделлаштириш модели–реал ҳаётда ва жамиятда юз берадиган ҳодиса ва жараёнларнинг ихчамлаштирилган ва соддалаштирилган кўринишини синфхонада яратиш ва уларда ўқувчиларнинг шахсан қатнашиши ва фаолият эвазига таълим олишини кўзда тутувчи методлардан иборат. Ушбу методларнинг асосий мақсади ўқувчиларнинг фақат тинглаши эмас, балки билимларни ўзлаштиришда бевосита иштирокини таъминлаш орқали таълим жараёни самарадорлигини оширишга қаратилган. Буларга ишбоп ўйинлар ва ролли ўйинлар каби методларни кириш мумкин.

Тадқиқот модели– ўқувчилар томонидан муаммони тушуниш ва ечиш, мустақил билим олишни кучайтирадиган ва шунга ундайдиган усуллар йигиндисидан иборатдир. Тадқиқот моделининг мақсади дарс жараёнида ўқувчиларда савол қўйиш ва уларга жавоб излашида қизиқишини уйготишга қаратилгандир. Ушбу модел бўйича ўқитиш ўқувчиларни амалий изланиш жараёнида бевосита қатнашишини таъминлайди. Буларга муаммоли вазият, лойиҳалаш методи, мустақил изланиш, йўналтирувчи матн каби методлар киради.

Лойиҳалаш методи-бу ўқувчиларнинг индивидуал ёки гуруҳларда белгиланган вақт давомида, белгиланган мавзу бўйича ахборот йигиш, тадқиқот ўтказиш ва амалга ошириш ишларини олиб боришидир. Бу методда ўқувчилар режалаштириш, қарор қабул қилиш, амалга ошириш, текшириш ва хулоса чиқариш ва натижаларни баҳолаш жараёнларида иштирок этадилар. Лойиҳа ишлаб чиқиш якка тартибда ёки гуруҳий бўлиши мумкин, лекин ҳар бир лойиҳа ўқув гуруҳининг биргаликдаги фаолиятининг мувофиқлаштирилган натижасидир. Бу жараёнда ўқувчининг вазифаси белгиланган вақт ичида янги маҳсулотни ишлаб чиқиш ёки бошқа бир топшириқнинг ечимини топишдан иборат. Ўқувчилар нуқтаи- назаридан топшириқ мураккаб бўлиши ва у ўқувчилардан мавжуд билимларини бошқа вазиятларда қўллай олишни талаб қиладиган топшириқ бўлиши керак.

Лойиҳалаш методини назарий дарсларни ўтказишда фойдаланиш мумкин.

«Лойиҳалаш» методининг афзаллик томонлари: ўқувчиларнинг мустақил фикрлаш қобилиятларини ошишига ёрдам беради; мустақил ўрганишнинг энг фаол йўли; ўқувчиларда ҳамкорликда ишлаш кўникмаси шаклланади.

«Лойиҳалаш» методининг камчиликлари: кўп вақт талаб қилади; танланган мавзу ўқувчининг билим даражасига мос келиши талаб этилади.

Ақлий ҳужум -гояларни генерация (ишлаб чиқиш) қилиш методидир. «Ақлий ҳужум» методи бирор муаммони ечишда ўқувчилар томонидан билдирилган эркин фикр ва мулоҳазаларни тўплаб, улар орқали маълум бир ечимга келинадиган энг самарали методдир. Ақлий ҳужум методининг ёзма ва огзаки шакллари мавжуд. Огзаки шаклида ўқитувчи томонидан берилган саволга ўқувчиларнинг ҳар бири ўз фикрини огзаки билдиради. Ўқувчилар ўз жавобларини аниқ ва қисқа тарзда баён этадилар. Ёзма шаклида эса берилган саволга ўқувчилар ўз жавобларини қогоз карточкаларга қисқа ва барчага кўринарли тарзда ёзадилар. Жавоблар доскага (магнитлар ёрдамида) ёки «пинборд» доскасига (игналар ёки скотч ёрдамида) маҳкамланади. «Ақлий

ҳужум» методининг ёзма шаклида жавобларни маълум белгилар бўйича гуруҳлаб чиқиш имконияти мавжуддир. Ушбу метод тўгри ва ижобий қўлланилганда шахсни эркин, ижодий ва ностандарт фикрлашга ўргатади.

Амалиётдаги оддий қоида шу ҳақда гувоҳлик берадики, янги билимларни бериш назарий дарснинг дастлабки 20 дақиқасида амалга ошириш, кейин эса баҳс-мунозара, кичик гуруҳларда ишлаш ва бошқа шу каби ноанъанавий методларни амалга ошириб, ўқувчиларнинг билимларини мустаҳкамлаш керак.

Чунки ўрганишнинг дастлабки 20 дақиқаси энг самарали, 30 дақиқадан кейин эса ўрганишни давом эттириш мотивацияси тезда пасая бошлайди.

Идрок қилиш пайтида қанча кўп сенсорик (сезги) каналлардан фойдаланилса, эсда олиб қолинган билимларнинг миқдори ва сифати шунчалик юқори бўлади. Агар билимлар фақат «маъруза»лар орқали (пассив тинглаш йўлида) берилган бўлса, унда 3 кундан сўнг уларнинг фақат **25%ни** эслаш мумкин холос. Агар у маърузалар ўқиш (тинглаш), намойиш ва кўргазмали қилиш (кўриш, ушлаб кўриш ва шу кабилар) орқали берилса ва шу тўгрисида баҳслашилса, унда 3 кундан сўнг **75%ини** эсга тушириш мумкин.

Агар билимларни идрок қилишда бир неча сенсорик каналлар биргаликда ишга солинган бўлса, маълумотларнинг қисқа хотирадан узоқ хотирага ўтиш жараёни тезлашади, бу эса билишнинг асоси бўлиб ҳисобланади.

Бундан қуйидаги қоида келиб чиқади:

1. Ўқув вазиятини тайёрлашда ноанъанавий методлар ва аудио-визуал воситаларни самарали ишлатиш лозим. Бунда бирданига кўпгина сенсорик каналлар жалб этилади.

2. Ўқув материали тўгрисида баҳслашишга доим имкон беринг. Ўқув суҳбатлар, гуруҳий баҳс-мунозаралар тавсия этилади, чунки бу методлар ўқувчиларни фаолликка жалб қилади.

Юқоридаги маълумотлар шуни кўрсатадики, дарс жараёнида ноанъанавий методлар қўлланилганда, ўқувчиларнинг ахборотни эслаб қолиш кўрсаткичининг энг юқори даражаси 30% ни ташкил этар экан. Ноанъанавий методлар қўлланилганда эса, ўқувчиларнинг ахборотларни ўзлаштириш даражаси янада кўтарила боради.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Хомерики О.Г. Системное управление инновационным процессом в общеобразовательной школе: дисс. … канд.пед.наук. – М., 1996.Тургунов С.Т., Мақсудова Л.А. Умумий ўрта таълим

муассасаларида педагогик жараёнларни ташкил этиш ва бошқаришда инновациялар. // ж. Мактаб ва ҳаёт. – Т., 2009. - №1. – Б.7.

ЎҚУВЧИЛАР БИЛИМ САВОДХОНЛИГИНИ АНИҚЛАШДА ХАЛҚАРО PISA БАҲОЛАШ ДАСТУРИДАН ФОЙДАЛАНИШ

Кенжаева Муҳайё Абдумуродовна.Низомий номидаги ТДПУ Термиз филиали Ўзбек тили ва адабиёт фани ўқитувчиси

Бугунги кунда ривожланиб бораётган мамлакатимизда келажагимиз давомчилари бўлган ёшларнинг ижодкорлигини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг билим, кўникма ва малакаларини давлат таълим стандартлари асосида шакллантириш ва халқаро баҳолаш тизимини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли фармони билан тасдиқланган “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси” доирасида Ўзбекистонда таълим сифатини баҳолашда янгича мониторинг тизимини халқаро баҳолаш дастурлари ёрдамида аниқлаш ва қиёслашга асосланган тизим шакллантирилмоқда[3]. Таълим сифатини баҳолаш бўйича халқаро тажрибаларни ўрганиш, мавжуд тизимни ҳар томонлама қиёсий таҳлил қилиш, тегишли йўналишдаги халқаро ва хорижий ташкилотлар, илмий-тадқиқот муассасалари билан яқиндан ҳамкорлик қилиш, таълим сифатини баҳолаш бўйича халқаро лойиҳаларни амалга ошириш, замон талабларига жавоб берадиган муносиб миллий баҳолаш тизимини такомиллаштириш ривожланиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 8 декабрдаги “Халқ таълими тизимида таълим сифатини баҳолаш соҳасидаги

[3] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2017 й.

халқаро тадқиқотларни ташкил этиш чора-тадбирлари тўгрисида"ги 997-сонли қарори билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси қошида "Таълим сифатини баҳолаш бўйича халқаро тадқиқотларни амалга ошириш Миллий маркази" ташкил этилди[4].Унда ўқувчилар саводхонлигини баҳолаш бўйича халқаро дастурда (Agreement for participation programme for international student assessment - PISA 2021) иштирок этиш тўгрисидаги келишувга эришилди.

PISA (Programme for International Student Assessment) – ўқувчиларнинг саводхонлигини баҳолаш бўйича халқаро тадқиқот дастури бўлиб, дастурнинг асосий мақсади 15 ёшли ўқувчи ёшларнинг ўқиш (матнни тушуниш), математика ва табиий фанлар бўйича саводхонлик даражаларини ҳамда ижодий фикрлаш кўникмаларини турли хил тестлар ёрдамида баҳолашдан иборатдир.

PISA халқаро баҳолаш дастури шунингдек, ўқувчилар муносабати ва мотивацияси ҳақида қимматли маълумотлар тўплайди, ўқувчиларда муаммони ҳал қила олиш каби кўникмаларни ҳам баҳолайди. Масалан, глобал аҳамиятга эга масалаларни ҳал этишда ўқувчи-ёшларнинг фикр-мулоҳазалари, улар берган таклиф ва ечимларни баҳолайди.

PISA–халқаро баҳолаш дастурларининг натижалари асосида дунё мамлакатлари ўқув дастурларида мавжуд бўлган талаблар доирасида ўқувчиларнинг билим ва кўникмаларни қўллаш, фикрлаш ва мулоқот қилиш қобилиятларига баҳо берилади.

Ушбу дастур ўқувчи ёшларнинг ижодий ва танқидий фикрлаши, эгаллаган билимларини ҳаётда қўллай олиш лаёқатига баҳо бериш ва кейинчалик бу кўникмаларни шакллантиришга хизмат қилади.Бу дастур 3 йилда бир маротаба ўтказилади. Дастлаб 1997- йилда ишлаб чиқилган ва 2000-йилда биринчи марта қўлланилган бўлиб, ҳар уч йилда ўқувчиларнинг билимини

[4] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 8 декабрдаги "Халқ таълими тизимида таълим сифатини баҳолаш соҳасидаги халқаро тадқиқотларни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 997-сонли қарори

баҳолаш мақсадида синовлар ўтказилади.Ҳозирги кунгача жами етти марта (2000, 2003, 2006, 2009, 2012, 2015 ва 2018 йиллар) PISA дастури бўйича тестлар ўтказилган бўлиб, кейинги синовлар 2021-йилда бўлиши режалаштирилган.Мамлакатимиз ҳам 2012-йилдан бу дастурга қўшилишга тайёргарлик кўрмоқда.Лекин бу дастурда қатнашишдан мақсад тестларни ўтказиш ёки ўқувчиларни тестга тайёрлаш эмас, ўқувчиларимизда XXI аср кўникмаларни шакллантириш, рақобатбардош кадрларни яратиш учун мустаҳкам замин яратиш ҳисобланади.

Хўш, PISA тести қандай мақсадда ўтказилади? деган савол туғилади. PISA тестлари мактаб ўқувчиларининг ҳақиқий ҳаётда керак бўладиган ҳодисаларни таҳлил қилиш,улардан хулоса чиқариш ва мулоқотга киришиш кўникмаларини қай даражада эгаллаётгани,таълим тизимининг бу ўзгаришларга қанчалик мослашаётганини аниқлаш мақсадида ўтказилад.Тестларда асосий эътибор ўқувчиларнинг таълим олаётган ҳар бир йўналиши бўйича:

Энг асосий тушунчани билиши;

Базавий билим ва кўникмаларни эгаллаши;

Олган билимларини ҳаётий вазиятларда фойдалана олишига қаратилган.

PISA дастурида тўрт хил синов усулидан фойдаланилади:

а) Бир жавобли тестлар;

б) Бир неча жавобли тестлар;

с) Қисқа ёки батафсил жавоб ёзиладиган саволлар;

д) Бирор муаммонинг ечими бўйича ўқувчи фикри

Бундай саволларнинг жавобини белгилаган ўқувчининг ижодкорлиги қўллаб-қувватланади.Юқорида PISA (Programme for International Student Assessment) – ўқувчиларнинг саводхонлигини баҳолаш бўйича халқаро тадқиқот дастури бўлиб, дастурнинг асосий мақсади 15 ёшли ўқувчи ёшларнинг ўқиш (матнни тушуниш), математика ва табиий фанлар бўйича саводхонлик даражаларини ҳамда ижодий фикрлаш кўникмаларини турли хил тестлар ёрдамида баҳолашдан иборатлигини айтиб ўтган эдик.Биз адабиёт

фани бўйича ёшларнинг ўқиш, (матнни тушуниш) саводхонлиги бўйича билим самарадорлигини аниқлаймиз. Хўш, ўқиш саводхонлиги нима? Бу - инсоннинг матн шаклида берилган маълумотларни тушуниши ва уларга реакция бера олиш кўникмаси, жамият ҳаётида фаол қатнашиш жараёнида ўқиган маълумотлардан ўз мақсадлари йўлида фойдаланиш, билим ва имкониятларини ошира олиш лаёқати тушунилади.

Ўқиш саводхонлиги бўйича адабиёт фанидан Абдулла Қодирийнинг "Ўткан кунлар " романи (9- синф адабиёт)[5] юзасидан тест саволи қуйидагича:

Бадиий асар ва филм

Абдулла Қодирийнинг "Ўткан кунлар" асари асосида суратга олинган филмда баъзи камчиликларга йўл қўйилган. Масалан, Кумушбибининг чап қўлида чой узатиш саҳнаси берилган, вахоланки миллий ўзбек қадриятларида хурмат юзасидан чой ўнг қўлда узатилади. Филмда яна бир лавҳада биргина қисқа сўз ташлаб кетилган. Агар чуқурроқ ўйлаб кўрилса, киночилар адибимизнинг топқирлигига путур етказиб қўйганини фаҳмлаш мумкин.Асарда Юсуфбек ҳожининг Марғилондан Тошкентга биринчи бор келган Кумушбибини кутиб олиш саҳнаси бор. Шу гапга диққат қилинг!

Филмда:

Юсуфбек ҳожи: Марғилонда шундай келинимиз бор экан, билмай юрган эканмиз.

Асарда:

Юсуфбек ҳожи: Марғилонда **ҳам** шундай келинимиз бор экан, билмай юрган эканмиз.

1. Филмдаги бу хато оқибатида қандай маъно ўзгариши содир бўлган деб ўйлайсиз?

А. Ҳеч қандай ўзгариш йўқ.

[5] Адабиёт дарслиги 9-синф Қ.Йўлдошев,В.Қодиров Тошкент - 2014й.

B. Асарда Юсуфбек ҳожи бир гап билан Кумушбибини мақташ асносида Зайнабни ҳам алқаб ўтади, филмда бу маъно тушиб қолган.

C. Асарда Юсуфбек ҳожи бир гап билан Кумушбибини мақташ асносида ўғли Отабекни ҳам алқаб ўтади, филмда бу маъно тушиб қолган.

D. Асарда Юсуфбек ҳожи Кумушбибига Тошкентда ҳам келини борлигини билдирмоқчи бўлган, филмда бу маъно тушиб қолган.


2. Филмда бу сўзнинг тушиб қолишига қандай омил сабаб бўлган бўлиши мумкин? Тўғри бўлиши мумкин бўлган ҳамма жавобни белгиланг.

A. Режиссёрнинг эътиборсизлиги
B. Сценарий муаллифининг эътиборсизлиги
C. Режиссёрнинг матнни атай ўзгартиргани
D. Режиссёрнинг ё сценарий муаллифининг ўзбек тили имкониятини тўлиқ билмаслиги
E. Абдулла Қодирийнинг маслаҳати

Ўқиш саводхонлиги бўйича расмли тестнинг бажарилиши ўқувчиларнинг ўз билимларини таҳлил қила олиши, эслаб қолиши ва янги маълумотларни ҳосил қила олишини кўрсатади.

1. “Илм ибодатдан афзал”. Ушбу ҳикматли сўзлар қайси асардан олинган?

A.  Қуръондан

B. 

Ҳадисдан

C.  Навоий асаридан

D.  Яссавий ҳикматларидан

2. “Бизнинг аёллар ҳазрат Навоийнинг куллиётини токчаларига териб қўядилар, ғаввос бўлиб бу уммондан фикр гавҳарини терадилар”[6].Ушбу фикр кимга тегишли?

A.  А.Авлоний B.  Муззаяна Алавия

C.  Муқимий D.  Огаҳий

Хулоса ўрнида шуни айтиш керакки, PISA-халқаро бахолаш дастури орқали ўқувчиларнинг ўқиш саводхонлиги бўйича жамият томонидан талаб қилинадиган ва инсон томонидан қадрланадиган ёзма тилнинг шаклларини идрок этиш ва амалиётда қўллай олиш қобилияти,матнлар мазмунини турли хил шакллар ёрдамида ўзлаштира олишларини бахолашимиз мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар:

1.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2017 й.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 8 декабрдаги “Халқ таълими тизимида таълим сифатини баҳолаш соҳасидаги халқаро тадқиқотларни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 997-сонли қарори

3.Адабиёт дарслиги 9-синф Қ.Йўлдошев, В.Қодиров Тошкент - 2014й.

4. Адабиёт дарслиги 10-синф Б.Тўхлиев. Б.Каримов Тошкент -2017 й.

[6] Адабиёт дарслиги 10-синф Б.Тўхлиев. Б.Каримов Тошкент -2017 й.

ИНТЕГРАЦИОН ЖАРАЁНЛАР ТАРАҚҚИЁТИНИ БЕЛГИЛОВЧИ ОМИЛЛАР ВА УЛАРНИ АМАЛИЁТГА ЖОРИЙ ЭТИШ МЕХАНИЗМЛАРИ

ф.-м.ф.н. А.Мавлянов, б.ф.н., Г.Б.Ачилов
Астрахан давлат техника университети Тошкент вилояти филиали

п.ф.н., С.Р.Абдалова
Чирчиқ давлат педагогика институти

Ўзбекистоннинг дунё ҳамжамиятига фаол қўшилиб бориши миллий таълим тизимимизни жаҳон андозаларига мувофиқлаштиришни талаб қила бошлади. Айтиш лозимки, бу борада муайян ишлар амалга оширилди. Масалан, олий ва ўрта махсус таълим тизимини янада такомиллаштиришга, мутахассислар тайёрлашда босқичли тамойилга амал қилишга, Ўзбекистон таълим амалиётига кадрлар тайёрлашнинг жаҳон тажрибаси ютуқларини татбик, этишга катта аҳамият берилди.

Шу сабабли Ватанимиз олимлари, педагоглари ва услубиётчилар ҳамда таълим соҳаси раҳбарлари амалда синовдан ўтган барча ижобий ҳолатларни аниқлаш ва уларни Ўзбекистон миллий таълим тизимида қўллаш мақсадида тез-тез илгор хорижий таълим тажрибаларига мурожаат қилишмоқда. Бу соҳада айрим фахрли натижаларга ҳам эришилмоқда.

Хориж таълим моделларидаги энг ижобий ва аҳамиятли бўлган омиллар, табиийки, республикамизнинг янги таҳрирдаги “Таълим тўғрисида”ги қонунида [1] ижодий аксини топган. Хорижий таълимнинг илгор тажрибалари чуқур ўрганилганлигидан далолат берувчи қизиқарли ҳолатлар мавжуд, хусусан, олий таълим муассасаларида магистрлар ва бакалаврлар тайёрлаш дастурларининг мавжуд амалий муносабатларига эътибор қаратилди. Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатдики, магистрлик дастурларига эга университетларда бакалаврлар бундай дастурлари бўлмаган олий таълим муассасаларига нисбатан анча кучли тайёрланади.

Жаҳонда мутлоқ ягона деб тан олинган таълим тизими йўқ. Бунга ажабланмаса ҳам бўлади, чунки ҳар қандай таълимни ташкил этишнинг миллий тажрибаси ҳар бир халқнинг тарихий ва маданий анъаналарига, ҳаётий

удумлари, тараққиётининг сиёсий ва иқтисодий жиҳатларига бориб тақалувчи, фақат унинг ўзигагина хос бўлган, кўплаб тушунчаларни қамраб олади.

Бугунги кун янги фан-техника босқчига ўтиш жараёнини бошдан кечирмоқда. Ишлаб чиқариш соҳасида тубдан ўзгаришлар кўзга ташланмокда. Фан-техника тараққиёти юксак даражада намоён бўлаётган бугунги кунда олий таълимнинг таъсири янада кучли сезилмоқда.

Олий таълим ўз таркибида бўлган барчанинг дунёқарашини шакллантиришга кучли таъсир кўрсатади. Масалан, у талабаларнинг билим савиясини оширади, уларда бошқа маданиятларга нисбатан ҳурмат ва сабр-тоқатни тарбиялайди ва бошқалар. Буларнинг барчаси жамиятнинг ижтимоий тузилишига ижобий таъсир кўрсатади. Олий таълим муассасалари изчил равишда талабаларда ва фуқароларда муҳим фазилат - доимий ўқиш қобилиятини ривожлантиради. Бу нарсанинг муҳимлиги шундаки, замонавнй олий таълим муассасаларида ўрганилаётган билимларнинг кўпчилиги 10 йилдан кейин эскиради, 25 йилдан кейин эса амалий жиҳатдан фойдаланишга яроқсиз бўлиб қолади.

Ҳозирда ижтимоий-иқтисодий соҳаларда юксак малакали касбий тайёргарликка эга, фанлараро ёндашувни амалга оширишга қодир, табиий, гуманитар ва фалсафий билимларни бирлаштира олган ва бугунги вазифаларни ечишда муҳим роль ўйнайдиган мутахассисларга, гуруҳда ишлай оладиган кўникмага, ижодий ишга қодирларга талаб сезилмоқда. Булар энг аввал олий таълим муассасаларида ўқишни давом эттириш учун имконият берадиган олий маълумот олишга бўлган умумий талаблар муштараклигида кўзга ташланади.

Мураккаб ва ижтимоий аҳамиятга эга бўлган таълим соҳаси самарадорлигини етарли даражада кўтаришнинг муҳим воситаси миллий педагогик меросни инобатта олишдан, илгор жаҳон тажрибаларини ўзлаштиришдан иборатдир.

Бугунги кунда: хориж таълими тажрибалари умумпедагогик, фалсафий, иқтисодий, тарихий доирада ўрганилмоқда; хориж таълим маконини турли минтақаларининг таълим имкониятларини қиёсий таҳлили

ўтказилмоқда, турли мамлакатларнинг таълим имкониятлари белгиланмоқда, уларнинг асосий тамойиллари ёритилмоқда ҳамда интеграцион жараёнлар тараққиётини белгиловчи омиллар аниқланмоқда [2].

Шундай экан:

- республикамиз олий таълим муассасаларида таълим соҳаларининг ДТСлари, кадрлар тайёрланаётган таълим йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича малака талаблари ва ўқув режалари ҳамда фан дастурларини хориж таълими тажарибалари асосида такомиллаштириш;

- улар асосида ўқув жараёнини ташкил этиш, замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланиш;

- таълим йўналишлари ва мутахассисликлари фанларидан аудитория машгулотларини, яъни лаборатория ишлари, амалий машгулот кабиларни ўтказиш бўйича ўқув-методик қўлланмаларнинг янги авлоди билан таъминлаш;

- ҳар бир фан дастурида назарда тутилган ўқув-методик адабиётлар, ўқув-услубий мажмуалар, шунингдек, мустақил таълим ва мустақил тайёргарлик учун материалларнинг зарурияти ҳамда замонавийлигига эътиборни кучайтириш;

- бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ва ўқув режаларига мос илгор жаҳон тажрибалари, услубиёти, технологиялари ва хорижий адабиётлар асосида яратилган ўқув адабиётларини тақдим этиш;

- таълим йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича профессор-ўқитувчилар таркибига қўйиладиган умумий талабларни қайта кўриб чиқиш, улар малакасини ошириш ва қайта тайёрлашга эътиборни кучайтириш;

- олий таълим муассасаларидаги мавжуд моддий-техник базадан ўқув жараёнида мақсадли фойдаланиш;

- малака амалиётларининг модернизацияланган замонавий ишлаб чиқариш корхоналарида ўтказилишини мунтазам амалга ошириш;

- талабаларни имкон қадар илмий-тадқиқот ишларига жалб этиш;

- якуний давлат аттестациясини ўтказилишини қатъий назорат қилиш каби вазифаларни бажариш лозим.

Ўзбекистоннинг дунё ҳамжамиятига фаол қўшилиб бориши миллий таълим тизимини жаҳон андозаларига мувофиқлаштиришни талаб қила бошлади. Айтиш лозимки, бу борада муайян ишлар амалга оширилди. Масалан, олий таълим тизимини янада такомиллаштиришга, мутахассислар тайёрлашда босқичли тамойилга амал қилишга, Ўзбекистон ўқув-таълим амалиётига кадрлар тайёрлашнинг жаҳон тажрибаси ютуқларини татбиқ этишга катта аҳамият берилди.

Бугунги давр кадрлар тайёрлаш сифатиннг пасайишини олдини олиш, таълимни прогрессив ташкил этиш ва мазмунан бойитиш, таълимнинг келажак тараққиёти йўлида мақбул шароитларни яратиш мақсадида, тўпланган бой миллий тажриба, ривожланган иқтисодий демократик давлат сифатида кадрлар тайёрлаш - педагогика ва психология, аниқ ва ижтимоий-гуманитар фанлар кабиларни ўқитишдаги муаммоларни аниқлаш, келажакда унинг ечимларни топиш, уларнинг ривожланиш истиқболларини белгилаш ҳамда бу жараёнга инновацион ёндашувларни талаб этмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни. – 2020 й. Тошкент.

2. А.Умаров, А.Мавлянов ва б.қ.лар. Янгиланган давлат таълим стандартлари асосида инновацион иқтисодиёт эҳтиёжларига жавоб берадиган малака талабларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш механизмлари. Илмий-услубий қўлланма. -Тошкент, 2017. -140 б.

MA’NAVIY TAYYORGARLIKDA TARIX VA TARBIYA INTEGRATSIYASI

Melieva Maftuna Saidvalievna

Respublika Ma’naviyat va ma’rifat markazi birinchi toifali mutaxassis

Мундарижа

	I- ШЎЪБА **Педагогика ва психология фанларини ўқитиш муаммолри, ечимлари ва ривожланиш истиқболлари**	
1	**Abdurahmonova Dilorom**. Oilada farzand tarbiyasi umumbashariy qadriyat	3
2	**O'tayev Akram Yo'ldoshevich**. Umumiy o'rta ta'limda innovtsion pedagogik klaster	6
3	**Aliqulova Karomat Xolmo'min qizi ,Toshpo'latova Nigora Muhammadi qizi, Safarova Muxarram Shuhratovna**. Pedagogika va psixologiya fanlarini o'qitish muammolari , echimlari va rivojlanish istiqbollari	9
4	**Азимова Дилфуза Усмоновна**. Ёшларда миллий тарбияни шакилланишида этнопедагогиканинг ўрни.	12
5	**Артиқова Каромат.** Касбий компитентликни шакллантиришда психологиянинг ўрни	15
6	**Абдиназарова Зебо.** Бошлангич таълимда ноанъанавий таълим моделлари	19
7	**Кенжаева Муҳайё Абдумуродовна**.Ўқувчилар билим саводхонлигини аниқлашда Халқаро PISA баҳолаш дастуридан фойдаланиш	22
8	**А.Мавлянов, Г.Б.Ачилов, С.Р.Абдалова.** Интеграцион жараёнлар тараққиётини белгиловчи омиллар ва уларни амалиётга жорий этиш механизмлари	28
9	**Melieva Maftuna Saidvalievna**. Ma'naviy tayyorgarlikda tarix va tarbiya integratsiyasi	31
10	**Қ.Б. Қодиров .** Педагогика тарихи фанида ижтимоий, тарихий ва диний манбалардан фойдаланишда илмий фикрлар хилма-хиллиги хусусида	37
11	**Бекмуродова П**.Замонавий технологияларнинг театр сценографиясига таъсири	43
12	**Nazarova Zarrina. Nazarova Sabrina**. Pedagogik faoliyatda aktyorlik va rejissorlik mahorati	49
13	**Rasulova Zulfiya**. O`quvchilarda kreativ fikrlashni shakllantirish	52
14	**Раупов Адҳамжон Қаюмович**. Харбий таълим муассасаларида кичик мутахассисларни тайёрлашнинг педагогик ва психологик омиллари	56
15	**Хайдарова Маҳлиё Хабибуллаевна**. Бўлажак бошлангич синф ўқитувчиларида касбий мулоқот юритиш компетенсияларини ривожлантириш	63
16	**Хурсанд Худойбердиев**. Таълим-тарбия жараёнига инновацион ёндашувлар	69
17	**Sattorova Muhlisa,Toshpo'latova Mavjuda**. O'zbekiston respublikasi ta'lim tizimida Boshlang'ich ta'lim	71
18	**Nazarova Zarrina Allaberdiyeva**. Kreativ o`qituvchi shaxsini shakllantirish dealektikasi	75
19	**Sattorova Dilshoda Djavliyevna**.Xalq og'zaki ijodi na'munalari asosida komil insonni tarbiyalash	78